



МАРТ
Шукрона кун

• Кутлуғ айём шукухи

ҚУДРАТИМИЗ – БИРЛИКДА!

Бу сўзлар замирида чуқур фалсафа ва мазмун бўлиб, давлатимиз тинчликсевар сиёсатининг ифодасидир. Юртимизда қадимдан кўпгаб этнос ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмаганлиги қозоғистонликларнинг азалий бағрикенглиги ифодасидир.



Халқимиз ҳаётида миллатлараро бағрикенглик чуқур тарихий илдизларга эга. Миллий, маданий хайрихоҳлик қозоғистонликларнинг ўзига хос фазилатига айланган. Бағрикенглик ғояларини қарор топтириш ўта муҳим тамойил бўлиб, бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Ушбу жиҳат доим давлатимизнинг эътиборида бўлган. Шу муносабат билан 2016 йили Президент фармони билан Шукрона кун қозоғистон Республикасининг байрамлари рўйхатига киритилди. Байрам баҳорнинг биринчи куну – 1 мартга тўғри келади. Шукрона куну Қозоғистон ўтган аср давомида бошидан кечирган тарихий воқеаларнинг кўзгусига айланди.

Қозоғистон Республикасининг давлат сиёсати барча этник гуруҳлар вакилларининг тинч-тотув яшашини таъминлашга қаратилган. Нега шукрона куну 1 мартда нишонланади? Мустиқил Қозоғистон Республикасида 1995 йил 1 мартда Президент ҳузурда маслаҳат-кенгаш органи сифатида Қозоғистон халқ Ассамблеяси ташкил этилди. Янги байрам ушбу сана муносабати билан жорий қилинди.

XX аср бошларида мамлакатга Россия, Украина ва Беларусь давлатларидан 1,15 млн. киши келган, ўтган асрнинг 30-йилларида собик Иттифоннинг турли мамлакатларидан яна 250 минг деҳқон жўнатилганди.

(Давоми 4-бетда).

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА ҚОЗОҒИСТОН: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Италия Ташқи ишлар вазирлигида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида атроф-муҳит ва сув захиралари соҳасидаги ҳамкорлик бўйича еттинчи олий даражадаги анжуман ўтди.

Тадбирда 100дан зиёд делегат, шу жумладан, вазирлар, Марказий Осиё давлатлари, Европа Иттифоқи (ЕИ), Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг юқори даражали дипломатлари, халқаро молия институтлари, атроф-муҳит, иқлим ўзгариши ва сув сиёсатини бошқариш ва амалга ошириш учун масъул халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

– Анжуманда ташкилотнинг келажакдаги йўналишлари белгиланди. Дунёвий иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш келажак авлодлар учун муҳим. Бу борада кучларимизни бирлаштириб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз керак, – деди Европа Иттифонининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тери Хакала. Шунингдек, у Европа Иттифоқи ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликнинг юксак даражасини қайд этди.

– Қозоғистоннинг Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг кўп томонлама даражада ўзаро ҳамкорлигидаги ролини юксак баҳолаймиз. Келгусида ҳам ҳамкорликни давом эттириш муҳим. Марказий Осиёнинг бешта давлати, жумладан, Қозоғистон ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ва сувни сақлаш соҳасида минтақалараро ҳамкорликни ривожлантираётганини қайд этишни истардим. Биз иқлим ўзгариши, янги технологиялар, қайта тикланадиган энергия каби долзарб муаммоларга қарши курашиш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ ВА МАСЛАҲАТЛАРИГА

ЎЗ ТАНЛОВИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИНГ

САЙЛОВ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 28 февраль, сешанба, №23 (3219).

• Президент

ПРЕЗИДЕНТ ФИНЛЯНДИЯ САВДО ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Финляндия ташқи савдо ва халқаро тараққиётни қўллаб-қувватлаш вазир Вилле Скиннарини қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Финляндия ташқи савдо ва халқаро тараққиётни қўллаб-қувватлаш вазир, Қозоғистон-Финляндия ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик комиссияси ҳамраиси Вилле Скиннарини қабул қилди. Давлат раҳбари вазирга миннатдорчилик билдириб, Финляндия делегациясининг ташрифи икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бағишлаши жиҳатидан муҳим эканини таъкидлади.

Президентнинг сўзларига кўра, дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 30 йил мобайнида Финляндия Шимолий Европа давлатлари орасида иккинчи йирек сармоюдорга айланди.

Бундан ташқари, Финляндиянинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг 90 фоизи Қозоғистонга тегишли.

Қасим-Жўмарт Тўқаев савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва таълим соҳаларида икки давлат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Давлат раҳбари Финляндия тадбиркорларининг Қозоғистонга сармоисини кўпайтириши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлади.

Вилле Скиннар, ўз навбатида, Қасим-Жўмарт Тўқаевга эҳтиром



билан қабул қилингани учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Вазирнинг сўзларига кўра, Қозоғистонга ташриф буюрган делегация таркибида Финляндиянинг Nurmien Logistics Plc, Nokia, East Cham Finland, Business Finland, Lamor, Wärtsilä Finland, PayIQ, EPSE каби 15та йирек компаниялари вакиллари бор. Бўлажак учрашуларда савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш маса-

ларини муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, Финляндия томони Астанадаги Финляндия элчихонаси ёнида Марказий Осиё давлатлари фуқароларига хизмат кўрсатувчи виза маркази очади.

Сухбат чоғида халқаро ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Финляндия Президенти Саули Нийинистёга вакиллари бор. Бўлажак учрашуларда савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш маса-

ГАЗ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИГА ҚАШАҒАНДА ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев «QazaqGaz» МК ҲЖ бошқаруви раиси Санжар Жаркешовни қабул қилди.

Санжар Жаркешов миллий компания томонидан 2022 йилда амалга оширилган ишлар якунлари, келгуси даврга мўлжалланган режа ва газ саноати стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича маълумот берди. Шунингдек, газ соҳасида ислохотларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларини тақдим этиб, аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Президент газ тармоғининг сармовий жозибдорлигини ошириш мақсадида ислохотларни давом эттириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

Akorda.kz.

• Янги Қозоғистоннинг янги лойиҳалари

Туркистон вилоятида пахта кластери ривожлантирилади. Шу мақсадда пахта хомашисини сотишдан ташқари, пахта толасини чуқур қайта ишлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Туркистон индустриявий минтақасида енгил саноат етакчи тармоққа айланади.

Вилоятга хизмат сафари билан ташриф буюрган Бош вазир ўринбосари – Савдо ва интеграция вазир Серик Жуманғарин, вилоят ҳокими Дархан Сатибалди, пахта заводлари раҳбарлари ва деҳқонлар иштирокидаги йиғилишида бу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Деҳқонлар давлат субсидиялари, имтиёзли кредитлар масаласини кўтардилар.

– Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш кластер тизими билан боғланмоқда. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик тармоғи қанчалик саноатлашса, давлатнинг экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Пахта етиштириш ва чуқур қайта ишлаш давлат томонидан қўллаб-қувват-

ПАХТА КЛАСТЕРИ – СОҲА ТАЯНЧИ



ланмоқда. Бу борада аниқ қадамлар қўйилади. Туркистон ягона пахта етиштирувчи вилоят бўлгани сабабли пахта кластерини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилади. Ҳукумат бу борада имкон қадар ёрдам беради. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари учун бу йўналишни ривожлантириш, халқаро бозорга чиқиш

муҳим, – деди С. Жуманғарин.

– Вилоятимиздаги махсус иқтисодий минтақада пахта кластерини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Минтақавий дастур қабул қилинди ва биз бу борада кенг қамровли ишларни амалга оширамиз. Енгил саноатнинг ривож кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Пахта кластерини ривожлантиришга алоҳида устуворлик берилади, – деди Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди.

Пахтанинг нархи халқаро Ливерпуль пахта биржасида белгиланадиган баҳога бевосита боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Сайрам тумани аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 3 март куну соат 11.00да Манкент қишлоғидаги “Оқ сарой” тўйхонасида, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 3 мартда соат 12.00да “Оқ сарой” тўйхонасида ўтади.

Шунингдек, Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Тўлкибоз тумани аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 3 март куну соат 16.00да Рискүлов қишлоғидаги туман Маданият уйида ўтади, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 3 март куну соат 17.00да Рискүлов қишлоғидаги туман Маданият уйи биносиде ўтади.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2023 йил 2 мартгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушқи танаффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатилмаганда ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Арис шаҳри аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 13 март куну соат 10.00да Арис шаҳридаги Маданият уйида, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 13 март куну соат 11.00да Арис шаҳридаги Фахрийлар маркази биносиде ўтади.

Шунингдек, Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Ўтрор тумани аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 13 март куну соат 15.00да Шаулдир қишлоғидаги Маданият саройида ўтади, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 13 март куну соат 16.00да Шаулдир қишлоғидаги Маданият саройи биносиде ўтади.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2023 йил 12 мартгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушқи танаффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатилмаганда ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

● Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



Сариоғоч туманида “Қулай мактаб” лойиҳаси доирасида 10та мактаб барпо этилади. Шу билан бирга, қишлоқнинг инфратузилмасини яхшилаш, иш ўринлари яратиш давом эттирилади. Бу ҳақда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Сариоғоч тумани аҳолиси билан учрашувда маълум қилди.

– Давлатни рағбатлантиришнинг тарбиялаш учун таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Утган йили Сариоғоч туманида 4та мактаб қурилиши якунланди. Жорий йилда 3та мактабни фойдаланишга топшириш режаланмоқда. Шу билан бирга, ўтган йили 11та мактабни тубдан таъмирлаш учун 1,1 млрд. тенге ажратилиб, ишлар олиб борилди. Давлат раҳбарининг махсус топшириғи бўйича йўлга қўйилган “Қулай мактаб” лойиҳаси доирасида Сариоғоч шаҳрида 10та мактабнинг қурилиши олиб борилмоқда. Сариоғоч туманида тадбиркор-

ИШ СИФАТИ – АМАЛДА ЎЛЧАНАДИ

лик, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳияти юқори. Яқинда йирик сармоядорлар билан учрашдик. Улар Сариоғоч туманида бир қанча истиқболли лойиҳаларни тавсия этишмоқда. Ҳокимларнинг иш кўрсаткичи сармоя жалб этиш, корхоналар ва янги иш ўринларини ташкил этиш билан ўлчанади. Туман ҳокими бу борадаги ишларни кучайтириши керак, – деди Дархан Сатибалди ва иссиқхона хўжалиги ҳам қўллаб-қувватланиши, хўжаликларга кўмир етказиш иши тизимланиши, вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу йўналишда иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Учрашувда аҳоли томонидан мактаб қуриш, йўл таъмирлаш, оқова тизимини созлаш, кўприкларни таъмирлаш, газ ва сув, ўйингоҳлар қуриш масалалари кўтарилди. Шахсий қабулда ҳам долзарб масалалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Са-



риоғочда марказлаштирилган оқова тизимини йўлга қўйиш бўйича ишлар юритилаётгани, 14та кўп қаватли уй келажакда марказлаштирилган оқова тизимга уланишини маълум қилди. Ҳозирча кўп қаватли уйлари мuddатидан аввал фойдаланишга топшириш мақсадида 3та вақтинча септик ўрнатмоқда. Шу

билан бирга, туманларда фойдаланилмаётган ерларни аҳолига яйлов сифатида фойдаланиш учун бериш ишлари кучайтирилиши керак. Газ масаласи ҳам эътиборда эканлигини таъкидлади. Ҳар бир мурожаат ва таклиф баёнмога киритилиб, тегишли ишлар юритилади.

БЕШ ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг топшириғига мувофиқ, Туркистон вилояти агросаноат мажмуасини 2023-2027 йиллар учун ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Хужжатда қишлоқ хўжалиги соҳасида бта асосий йўналишни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилган. Концепция доирасида 2027 йилга қадар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва меҳнат унумдорлигини 2 баравар, соҳага йўналтирилган хусусий сармоялар ҳажмини 6 баравар, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини эса 2,3 баравар ошириш режаланган.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган кенгайтирилган йиғилишда йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, сармоядорлар, олимлар иштирок этиб, мазкур концепция кенг муҳокама қилинди.

Туркистон вилояти агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг 5 йиллик концепцияси агросаноат мажмуасини сифат жиҳатидан янги тараққиёт босқичига олиб чиқадиган, рақобатбардошлигини оширадиган, ички озиқ-овқат бозори барқарорлиги ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Жорий йилда Туркистон вилоятида 4та тўқимачилик, тикувчилик, бта жун ва терини қайта ишлаш корхоналари ишга туширилади. Натижада қишлоқ хўжалигининг асосий капиталига 75,2

млрд. тенге, озиқ-овқат соноатига 11 млрд. тенге хусусий сармоялар жалб қилиниб, умумий ишлаб чиқариш ҳажми 1 трлн. 127 млрд. тенгеге етказилади.

Қишлоқ хўжалиги бта асосий йўналишда ривожланмоқда: қишлоқ хўжалиги экинларини ранг-баранглаштириш, иссиқхона хўжалиги, интенсификаторчилик, пахта кластерини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳажмини ошириш, қайта ишлаш соноатини ривожлантириш ҳамда жадал сармоя лойиҳалари.

Йиғилишда вилоят олимлари жануб иқлимга қулай узумчиликни ривожлантиришга эътибор қаратиб, беда етиштириш дастакларини такомиллаштириш ҳақида ҳам фикр юритилди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА ҚОЗОҒИСТОН: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

2022 йилда Қозоғистон – Европа Иттифоқи алоқаларида янги босқич бошланди. Қозоғистон ташаббуси билан 2022 йил ноябр ойида «Global Gateway» стратегиясининг бир қисми сифатида Европа Иттифоқи Марказий Осиёда сув, энергия ва иқлим ўзгариши бўйича «Team Europe» ташаббусини бошлади. Ҳозирги пайтда замон ва у билан биргаликда халқаро вазият, халқаро ҳамжамият ва халқаро алоқалар табиати шиддат билан ўзгармоқда экан, ўзгаришлар даври даввати мазкур босқичнинг мантаний асосини ташкил этади. Энг муҳими, Қозоғистон ва Европа Иттифоқи алоқаларининг янги босқичи нафақат юқори даражадаги ҳукуматларaro даражада, балки жамиятнинг нодавлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, ишлаб чиқарувчилар ва бизнес гуруҳлари, илм-фан намоёндаларидан иборат “қуйи қатлам” доираларида ҳам ўз таъсирини сездиarmoқда. Давлат ва ҳукуматларaro олий даражадаги алоқалар оддий инсонлар ўртасидаги кундалик мулоқот тусини олмоқда, – деди Т. Хакала.

Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ва Европа молия институтларини бирлаштирган ушбу асосий ташаббус барқарор тараққиёт учун минтақавий ҳамкорлик ва бошқарувни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, минтақادا интеграциялашган яшил сармояларни кўлайитиришга қаратилган.

Римдаги тадбирда сув, атропо-муҳит, иқлим ўзгариши, барқарор тараққиёт, яшил ўтишни тезлаштириш ва яшил инвестицияларни рағбатлантириш учун муаммолар ва имкониятлар билан боғлиқ масалалар, жумладан, Марказий Осиёда сув, энергия ва иқлим бўйича Европа Иттифоқининг янги «Team Europe» ташаббуси диққат марказида бўлади.

24.kz.

ПАХТА КЛАСТЕРИ – СОҲА ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикада пахта толасини чуқур қайта ишлайдиган 2та корхона мавжуд. Шу боис вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг атиги 15 фоизи қайта ишланади. Шу билан бирга, пахта кластерини ривожлантириш учун яқин 5 йилда Мақтаарал, Ўрдабоши, Саврон, Чордара, Жетисай туманларида 12та тўқимачилик ва тикувчилик фабрикасини очиш режаланган. Бунинг натижасида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми 17 минг

тоннадан 66 минг тоннагача оширилади.

Ҳозирда умумий қиймати 22 млрд. тенгелик 3та сармоявий лойиҳани молиялаштириш учун ҚР Молия вазирлигига 4 фоизли насия бериш юзасидан таклиф йўлланди.

2022 йилда Туркистон вилоятида 126,3 минг гектар майдонга пахта экилиб, 360 минг тоннадан зиёд ҳосил териб олинди.

Серик Жуманғарин бошчилигидаги делегация Туркистон вилоятида амалга оширилаётган қатор йирик лойиҳалар билан танишди.

19 НАУРЫЗ МАРТ 2023

ЎЗ ТАНЛОВИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИНГ!

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ ВА МАСЛАҲАТЛАРИГА

САЙЛОВ

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ХОРИЖЛИК КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсен Тажибаев жорий йил 19 мартга белгиланган Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ва барча даражадаги депутатларнинг навбатдан ташқари сайловда иштирок этаётган хорижий кузатувчиларни қабул қилди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЙХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) узок мuddатли кузатувчилари, грузиялик Валерий Амисулашвили ва литвалик Юстина Рудминайте вилоятдаги сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдилар.

Б. Тажибаев меҳмонларни вилоят сайлов тузилмаси билан таништириб, ўзаро фикр алмашди. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Қозоғистонлик таҳлилчи Мария Саранова ҳамроҳлигида ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар сайловни кузатиш жараёнида Қозоғистон ҳукумати билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида эканликларини таъкидлаб, кузатувчиларнинг самарали фаолият юритишига доир яратилган шарт-шароитлар учун миннатдорлик билдирдилар.

Эслатиб ўтамиз, вилоятда 941та сайлов участкаси мавжуд, сайловчилар сони 1 миллион 176 минг 138 нафар. Депутатликка номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти босма материалларини жойлаштириш учун вилоятда жами 646та ўрин белгиланган. Стенд ва лавҳаларнинг ўлчамлари рўйхатдан ўтган барча сиёсий партияларнинг ташвиқот босма материалларини жойлаштириш имконини беради. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашиши учун вилоят бўйича 330та бино ажратилган. Белгиланган жой ва бинолар тўғрисидаги хабарлар маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилган.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА



Вилоят ҳудудий сайлов комиссияси ҚР Президенти қошидаги давлат бошқарув академиясининг вилоят филиали билан ҳамкорликда 19 март кунини ўтадиган сайловга бағишланган ўқув семинари ўтказди.

Унда Парламент Мажлиси ва барча даражадаги маслаҳатлар депутатларининг навбатдан ташқари сайловга сиёсий партиялар ва бир мандатли округлар орқали рўйхатга олинган номзодларнинг штаб вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳудудий сайлов комиссияси раиси ўринбосари А. Алишев ҳамда ҳудудий сайлов комиссияси аъзоси Д. Ўразимбетов сайловга тайёргарлик ҳамда ўтказиш бора-расидаги тадбирларнинг аҳамиятига тўхталди.

А. Алишевнинг айтишича, вилоятда сайловга тайёргарлик ишлари Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган асосий тадбирлар тақвим режасига мувофиқ босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Вилоят миқёсида жами 1615 номзод тавсия қилинса, уларнинг 1284 нафари рўйхатдан ўтди. Номзодларнинг 406 нафари сиёсий партиялар орқали, 878 нафари ўзини-ўзи тавсия қилганлар.

Семинарда замонвий сайлов ҳуқуқининг асосий қоидалари, навбатдан ташқари сайловни ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, сайлов жараёнини ахборий қўллаб-қувватлаш ҳамда тарғибот ишларини олиб бориш, республика бюджетидан қопланадиган харажатлар миқдори муҳокама қилинди.

ФАҲРИЙЛАР КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ЎТДИ

Туркистон шаҳрида ўтган вилоят фахрийлар кенгаши пленумида вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев, вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Ансар Усербаев, шунингдек, вилоят бошқармалари раҳбарлари, туман ва шаҳар “Оталар мактаби”, «Бувилар уюшмаси» раислари иштирок этди. Вилоят фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленкулов ташкилотнинг 2022 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот бериб, галдаги вазифаларга тўхталди.

– Ҳисобот даврида вилоят фахрийлар кенгашида 2та пленум, 8та ҳайъат йиғилиши, 5та давра суҳбати, 18та семинар, 5та фахрийлар йиғилиши ўтказилди. Унда ёшлар тарбияси, авлодлар ворисдошлиги, соғлом турмуш тарзи, юрт ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги, фахрийларнинг ижтимоий шароити ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Вилоят фахрийлар кенгаши томонидан қабул қилинган “Аждодлар аънанаси, авлодларга ишонч” дастури доирасида 8та асосий йўналиш бўйича тадбирлар амалга оширилди, – деди Ж. Мауленкулов.

Ҳар бир оилада миллий-инсоний қадриятларни синдириш, фарзандлар тарбиясида ота-оналарнинг ролини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, низоларни ҳал этиш мақсадида 902та мактабда “Оталар

мактаби”, 528та аҳоли манзилида “Бувилар уюшмаси” фаолият юритмоқда. “Данекер” қалдирғоч лойиҳаси бўйича 21 нафар турли касб вакиллари, 399 нафар жамоатчи воситачи-фахрий мониторинг-маърифий ишлар юритмоқда. Натижада 57та иш судда кўриб чиқилиб, 1276та турли низолар ижобий ҳал этилди.

Фахрийларнинг ҳаёт сифатини ошириш, уларнинг умрини узайтириш, жамият ҳаёти ва мамлакат ижтимоий ҳаётининг турли жаҳаларида иштирок кини кенгайтириш мақсадида “Фаол узок умр кўриш” марказлари очилмоқда. Бу марказларда фахрийларнинг даволаниши, дам олиши, турли уйинлар, спорт билан шугулланишлари учун шароитлар яратилган.

Вилоят ҳокими ўринбосари Б. Тажибаев юрт бирлигини сақлаш, авлодлар ворисдошлигини



давом эттиришда эл оғалари, оқсоқоллар, мўътабар бувиларнинг хизмати залворли эканини таъкидлади.

– Кексаларни эъзозлаш, қадрлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган хислатдир. Юртимиз тараққиётида, Туркистон ўлкаси рағбат топишида, ёшлар тарбиясида нурунийларимизнинг хизмати салмоқли. Яқинда вилоятга амалий ташрифи чоғида Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев Туркистонга тарихий-маданий пойтахт мақомини бериш ташаббуси билан чиқди. Бу борада тадбирлар юритилмоқда. Туркистон маънавият ўчоғига айлантириш

жараёнида сизларнинг маслаҳатингиз ва фикрингиз муҳим. Кекса авлод вакиллари кўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам давом этади, – деди у.

Йиғилиш якунида фахрийлар ҳаракатини ривожлантириш, юрtdа ҳамжиҳатлик ва бирликни мустаҳкамлашга салмоқли хисса кўшган 9 нафар фахрий “Туркистон вилоятида хизмат кўрсатган фахрий” кўкрак нишонини билан тақдирланди. Шунингдек, энг яхши бошланғич фахрий ташкилотлар, туман кенгашлари, “Оталар мактаби”, “Бувилар уюшмаси” вакилларига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

АДАБИЁТ – ҚАЛЬ КЎЗГУСИ

Шимкент шаҳрининг Қоратеп мавзесидаги 124-сонли мактабда “Адабиёт – қалб кўзгуси” мавзуда маданий-маърифий тадбир ўтди. Кечани ўтказишдан мақсад – ёш авлодни она ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, адабиётга қизиқишни ошириш, ўқувчиларни миллий қадриятларни кўз қорачигидек асрашга ўргатиш эди.

синов саҳнага таниқли сўз устаси А. Хонхўжаевни таклиф этишди. У Амир Темур монологини ижро этиб, олқишга сазовор бўлди. Ўқувчилардан Умиджон Йўлдошев буюк шоир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий, Азимжон Эгамбердиев эса шоҳ ва саркарда Бобур қиёфаларида саҳнага чиқишди. Тадбир иштирокчилари, айниқса, мумтоз кўшиқларни маҳорат билан ижро



Тадбир аввалида таклиф этилган маҳаллий ижодкорлар – Ҳ. Қўчқоров, З. Мўминжонов, З. Карим, хонанда Р. Талашбоев мактабда муқаддам ташкил этилган Абу-бакир Хонхўжаев номидаги ўзбек тили ва адабиёти хонаси билан танишдилар.

этанг Ўткиржон Бодомбоевни узоқ олқишлашди. Меҳмонлар ҳам ижод намуналари билан барчани баҳраманд этишди. Енбекши туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Мирзахмедов учрашувнинг юксак савияда ташкил этилганини таъкидлаб, мактаб директори Баян Есимовага, шунингдек, тадбир таш-

килотчилари, олий тоифали ўқитувчилар Шахло Ҳасанова ҳамда Зулхумор Урмоноваларга миннатдорчилик билдирди ҳамда уларга Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг ташакурномаларини топширди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

“ЮКСАКЛИК САРИ ТАСОДИФ БЎЛМАГАН 100ТА УЧРАШУВ”

ЁХУД ЕТТИ КАСБ ЭГАСИДАН ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР ҲАҚИДА КИТОБ



Сайрам туман Маданият уйда ҳуқуқшунослик, ўқитувчиликдан тортиб актёрлик, журналистик, телебошловчилик, блогерлик ҳамда воизлик ва нотиқликка қадар ёрқин касбий фаолияти билан жаҳонга танилган Отабек Маҳкамов билан учрашув ўтди. Тадбир унинг рус, ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган “Юксаклик сари тасодиф бўлмаган 100та учрашув” китоби тақдимотида бағишланди.

– Ҳаётимдаги 100 учрашувнинг биронтаси ҳам тасодифий эмас. Мен, китобимда, 52 давлатга саёҳат қилганимда, сайёрамизнинг энг муваффақиятли инсонлари билан ўтган ҳар бир танишувни, иқтибослар ва тарихий фактлар орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилдим, – деди Отабек Маҳкамов. – 37 йиллик ҳаётим давомида нақ уч сиёсий-ижтимоий тузумни бошдан кечиришга улгурдим: социализмда туғилдим, қайта қуриш даврида улғайдим, айна дамда эса капиталистик жамият, яъни Нью-Йорк шаҳрида ижод билан шуғулланмоқдам. Сўнгги 19 йилда дунёнинг эллиқдан зиёд мамлакатда бўлиб, АҚШ ва Буюк Британияда доимий тарзда истиқомат қилганимда юзлаб экстраординар, таъбир жоиз бўлса, асрларга татигулик шахслар билан танишдим. Асло тасодиф деб бўлмайдиган ўша учрашувлар ҳақида хотираларим китобимда жамланди.

Китоб Туркиянинг Истанбул шаҳрида чоп этилган. Тақдимотда китоб муаллифи томошабинларнинг саволларига жавоб берди.

Ҳар бир инсонда тақдирини ўзгартириб юборувчи ва келгуси ҳаёт йўлини белгилаб берувчи учрашувлар бўлади. Отабек Маҳкамовнинг омади шундаки, унинг умр йўлида бутун бошли китобга жамласа бўладиган кўплаб ана шундай учрашувлар юз берган. Унинг ёрқин касбий фаолиятидан келиб чиқадиган бўлса, бунинг ажабланидиган жойи йўқ.

Ушбу китоб қаҳрамонлари орасида Ҳиллари Клинтон, Гордон Рамзи, Антонио Бандерас, Дэвид Копперфильд, Энрике Иглесиас, Фаруҳ Зокиров, Даниел Редклифф каби машҳур инсонлар ҳамда дунё миқёсидаги юлдуз бўлмасида, кўпчиликка таниқли шахслар бор. Отабек Маҳкамов илк дақиқаларданок суҳбатдошининг эътиборини жалб этиш, унинг янги, баъзан кутилмаган жиҳатларини очиб бериш қобилиятига эга. Шу боисдан мазкур китобда жамланган тасодиф бўлмаган ҳар бир учрашувнинг ўзига хос қизиқарли тарихи бор.

Муаллиф ушбу ижодий лойиҳадан тушган маблағнинг бир қисмини оқ қон ва саратон касаллигига чалинган болаларни даволаш учун ажратишни режалаштирган.

– Бу китобни самимият билан ёзишга ҳаракат қилганман. У ҳаёт, унинг дардлари, қувончлари, фожиалари, йўқотишлари ва ғалабалари ҳақида. Уни сотиб олишга эса Эта сабаб бор деб ўйлайман. Биринчиси, ушбу китоб орқали китобхон барча замон ва халқларга хос ҳазил-мутуйба, теран мулоҳазалар, ўткир мушоҳадалар, тарихий мисоллар ҳамда кўплаб ҳикматли сўзларни ўқиб ўзига керак бўлган хулосани чиқариши мумкин. Иккинчиси, китобхон бу асарни ўқиб бўлгач, ҳақиқий рағбатлантирувчи мураббий ҳамда инфо-пўлицининг ўртасидаги фарқни аниқ билиб олиши мумкин. Учинчиси, китобим билан уч тилда: рус, ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган. Бу танлов ҳам тасодифий эмас. Гап шундаки, ўзбек ва рус тиллари – менинг она тилларим, инглиз забонини билишим эса кўплаб таниқли шахслар билан эркин мулоқотда бўлишга қўл келган.

Бу дегани, агарда китобхон чет тилларини ҳалигача ўрганишни бошламаган бўлса, демак, уларнинг, ҳаётда муҳимлигини тушуниб етиб, ўрганишни бошлаши мумкин. Бу борада англиялик психологинист, “Болалар ўқиб ўқишни ўрганадилар” концепциясининг муаллифи Фрэнк Смит шундай деган эдилар: “Битта тил сизни ҳаёт дахлизига етаклаб боради. Иккита тил эса бу йўлдаги барча эшикларни очиб беради”.

Китобимдаги ҳар бир қаҳрамоним билан мулоқот қилар эканман, уларни ноёб ва ўз соҳасида тенгсиз касбий шахсга айланган сир-синоатларни англашни, шахсий муваффақиятларим чўққисига кўтарилишда улардан фойдаланиш имкониятларини сарҳисоб этишни мақсад қилдим. Яширмайман, мен учрашган баъзи машҳурлар орасида ниҳоятда ҳафсалани пир қилганлари ҳам бўлди. XVIII аср ўрталарида швейцариялик файласуф Иоганн Георг Циммерман айнан шу каби ҳолатларни назарда тутиб, бундай ёзган эди: “Шон-шўхрат қасрида ҳар доим бадавлат аҳмоқлар, безор қилувчи муттаҳамлар ва инсон зотидан тарқалган жаллодларни топиш мумкин бўлган тоқчалар ҳам бор”. Бироқ мен шундай вазиятларда ҳам сабоқ чиқариш, яъни “одобни одоб-

сиздан ўрганиш”ни маъқул кўрдим. Шу тариқа китобимга антик давр файласуфи Сукротнинг ушбу сўзларини шиор ўлароқ танладим: “Ҳеч ким сенга дўст эмас, ҳеч ким сенга душман эмас, лекин ҳар бир инсон сен учун муаллимдир”. Бу китобни ёзишимнинг мақсадларидан бири, ҳар қандай, ҳатто энг оғир вазиятларда, яқинларимиздан жудо бўлганда ҳам Худога суянишимиз, охири банда эканимизни ҳаргиз эсдан чиқармаслигимиз кераклигини китобхонга етказиш. Биз Қодир Аллоҳ инъом этган ноёб хислатимизни англаб, ўз олдимизга улкан мақсадлар қўйган ҳолда илҳом ва иштиёқ билан ўша марра-манзил сари олға бормоғимиз даркор. Китоб саҳифаларида жаҳон юлдузлари қаторида фақат ўз мамлакатда муваффақият қозонган арбоблар, шунингдек, менга энг яқин бўлган инсонлар – онажоним ва бувижоним ҳақида ҳам қўшиқингиз мумкин. Алоҳида таъкидлашни истардимки, қаерда ва қандай оилада туғилганидан қатъий назар, ҳар бир одам бамисоли буюк бир Коинотдир. Узимнинг камтарона актёрлик, юристик ва тележурналистик тажрибамга суяниб айтадиган бўлсам, олдимизга олийжаноб мақсад қўйиш, бор куч-ғайратимизни ишга солиш, вақтни тўғри тасарруф этиш орқали ҳар биримиз жамиятда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни топишимиз мумкин. Бизга омонат ўлароқ берилган ҳар бир кунни ўзимиз ва бошқаларга бир қатра бўлса-да қувонч улашишга бағишлашимиз, энг қоронғи-шиммон дамларда ҳам умид нурини кўра олишимиз керак. Шунга кўра, китобимнинг иккинчи шiori сифатида адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори Жорж Бернард Шоунинг ушбу сўзларини танладим: “Оптимистлар самолётни, пессимистлар эса парашютни ихтиро қилганлар”.

– Бу китоб тақдимотлари қаерларда ўтказилди?

– Китоб тақдимоти Туркиянинг Истанбул шаҳрида ҳамда АҚШнинг Нью-Йорк, Цинцинати ва Орландо шаҳарларининг кутубхоналарида, Голливудда, яъни Лос-Анджелес шаҳри, Калифорния штатида ҳамда Япониянинг Токио ва Кореянинг Сеул шаҳарларида ҳам тақдимотлар ўтказилиб, навбат Европа давлатларига ўтиб кетади.

– Бу китоб ўқувчига нима беради?

– Ўз вақтини тўғри тақсимлаш. Одамлар билан муомаланинг муҳимлиги, ҳеч қачон кибрга берилмаслик, бу ҳақда инглиз дипломати, Филип Стенхоп шундай деган эди: “Тарбияли инсон ўзидан қуйи турувчилар билан кибр-у ҳавосиз, ўзидан юқори турувчи шахслар билан эса ҳурматни сақлаган ҳолда, эркин гаплаша олади”. Бундан ташқари, тўғри касб танлаб, касбий тажрибалаб ўтказишдан қўрқмаслик. Чунки шу кунгача юқорида айтиб ўтганимдай, 10та касбда фаолият юритиб келмоқдам.

Умид қиламанки, адабиёт соҳасидаги илк тажрибам китобхонларга маъқул келади. Ишончим комилки, бу китоб ҳам уларга улғувор мақсадларга эришишда кўмакчи бўлади. Бу борада америкалик нотиқ Лес Браун шундай деган эди: “Ойни мўлжал қилинг... Гарчи кўзланган маррага етолмасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса, юлдузлар орасида бўласиз”.

Отабек Маҳкамов 1984 йил 5 сентябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган. Озодбек Назарбековнинг «Мени кучлироқ сев» кўшигининг клипи ҳам унга омад олиб келган.

У роль ижро этган фильмлар: «Бўрилар-3: Охири қарз», «Мажруҳ», «Мен юлдузман», «Жодугар», «Эндиради-куйдирди» ва «Фотима».

2016 йилда Отабек Маҳкамов АҚШга кўчиб кетганидан буён Нью-Йорк радиоси ва шахсий YouTube каналида журналистик фаолият билан шуғулланмоқда.

Хурбуви ОДИЛОВА,
«Исфижоб» адабий
бирлашмаси аъзоси.

МҲРАГЕРЛИК АШЫЛДЫ

Қайтыс болу туралы 01.08.2022 жылғы № 20-732-22-0003247 күрәк негізінде (24.07.2022 жылғы қайтыс болды) марқұм Бекметова Зебиниса Муратовнаның дүние-мүлккіне Шымкент қаласы, Жиделибайсан көшесі, 20 ғимараты мекенжайы бойынша орналасқан нотариус Гүлзира Балабиди мұрагерлік ашылды.

ОНАЛАРИМИЗНИ МАДҲ ЭТАМИЗ, МУДОМ

● Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Волидаи муҳтарамам, Дилором Нуриддин қизи Жуманова 40 йиллик меҳнат тажрибасига эга захматқаш фахрий ўқитувчи. Падари бузрукворим Ҳайдар Болтабой ўгли Абдуҷабборов билан волидам уч нафар фарзандни тарбиялаб, ширин-шакар неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби.

Қайнонам Клара Абдураимова ҳам 30 йиллик меҳнат тажрибасига эга нафақадаги фахрий устоз. Умр йўлдоши, қайнонам Баҳодир Абдураимов

билан фарзандлар тарбиялаб, неваралар суйган файзли оила соҳиблари. Ойжоним Дилором Нуриддин қизи, қайнонам Клара Жалил қизининг ўғит-насиҳатлари, рўзгор тутишдаги, фарзанд тарбиялашдаги бебаҳо тажрибалари мен учун ҳаёт мактаби, мукамал дорилфундир. Қимматли маслаҳатлари учун бу қадрдон инсонлардан чексиз миннатдорман. Уларга мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт, фарзанд, неваразвара, чеваралар камоли, тўй-тантаналарини кўриши саодатини тилайман. Қадрдон мактабимиздаги “Жанубий Қозоғистон” нашрининг садоқатли муштарийлари, барча ҳамкасбларим – онахон, хотин-қизларга ҳам сараниятларимни йўллайман.



Дилафруз ҲАЙДАР қизи,
Р. Исетов номли
мактаб кутубхона
мудираси.
Туркистон шаҳри.

Тасвирларда: Дилором Нуриддин қизи; Клара Жалил қизи.

Муаллиф суратга олган.

● Обуначиларимиз орасида

ҲАМИД ОТАНИНГ АВЛОДИДАН

Туркистон шаҳрида истиқомат қилган УВУ фахрийси, шаҳар ижтимоий таъминот бўлими раҳбари лавозимида узоқ йиллар самарали ва ҳалол хизмат қилган Ҳамид ота Баратов умр йўлдоши, қаҳрамон она Фотима Сайдулла қизи билан қобил фарзандлар Тамара, Саломат, Клара, Мелс, Муҳаммаднаби, Муҳаммадсобир, Замира, Бахтиёр, Баҳодир, Ферузларни тарбиялаб, неваразвара суйган пири бадавлат оила соҳиби бўлишган.

Ушбу оиланинг кенжа ўғил фарзанди Баҳодир Ҳамид ўғлининг 60 ёшга тўлиши муносабати билан дўст-биродар, қариндош-уруғ, қуда-андалар табриклашиб, самимий ниятларини билдиришди.

43 йил муқаддам А. Навоий номли мактабни тамомлаган, ҳайдовчилик касбини эъзозлаб, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган Баҳодир Ҳамид ўғли умр йўлдоши Мадина Абдуғани қизи билан фарзандлари Элнур, Дилнур, Жасурларни



тарбиялаб, куёв-келиндари Юлдуз, Санжар ҳамда Юлдузой ҳам хизматда, ҳам иззатда. Етти нафар неваралар тарбиялаётган пири бадавлат оила соҳибига узоқ умр, сийхат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

● Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ТУРКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТҮЙ



Туркистон шаҳридаги “Туркистон” тўйхонасида халқро даражадаги файзи ўзгача тўй ўтди.

Кудалар – туркистонлик таниқли шифокор Уткир Исмоилов билан болгариялик жаноб Велизарлар меҳмонларни биргаликда муборакбод этиб, самимий табрикларни бирга қабул қилишди. Уткир Дадабой ўғлининг қизи Умида Исмоилова ўрта мактабдан сўнг Алматидаги Асфендияров номидаги тиббий институтда, сўнгра Астанада тахсил олди.

Танловда ғолиб чиқиб Америка Қўшма Штатларига соҳаси бўйича ишлашга йўланма олди. Американинг Миссури штатида ўзининг тенгдоши ва ҳамкасби, болгариялик Влад Велизар ўғли билан ахдлашиб, турмуш қуришга қарор қилдилар. Қувв бўлмиш Владнинг отаси ҳам таниқли шифокор.

Америка Қўшма Штатларида меҳнат қилаётган иқтидорли ёшларнинг Туркистонда ўтган халқро тўйида Ўзбекистоннинг Андижон шаҳридан тиббиёт фанлари доктори Олимжон Абдухолиқов, Туркистон шаҳри ва Саврон туманида меҳнат қилаётган доимий обуначиларимиз, таниқли шифокорлар Шухрат Собиржон ўғли, Олимжон Маннопов, Раҳматулла Курбо-

ўткир Исмоиловнинг ота юрти — Югнак қишлоғидан ташриф буюрган таниқли Саиджон домла никоҳ ошида Қуръон тиловат қилди.

Туркистон туркий оламнинг маънавий пойтахти сифатида Америкада меҳнат қилаётган иқтидорли ёшлари билан ҳам ҳақли равишда фахрланасан арзийди.



нов, Абдужалил Абдулхамидов, Улугбек Мамадалиев, устоз Ботир Курашев каби зиёлилар иштирок этиб, самимий ниютларини изҳор этишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: табдирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвири.



Саврон тумани Ўрангай қишлоқ округига қарашли Қўшқўрғон қишлоғи аҳолиси, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг доимий обуначилари, нуруний отахон ва онахон Саъдулла ва Карима Ибодуллаевларни иқтидорли неваралари Бауржан Ортиқбой ўғлининг (тасвирда) спортнинг тазквандо туридан эришган ютуқлари билан ҳамқишлоқлари номидан самимий муборакбод этаман.

Бауржан Ортиқбой ўғли мураббийи – спорт устаси Рўзибой Хайруллаев раҳбарлигида 7 ёшидан тазквандо билан шугулланмоқда. Меҳринисо Иззатуллаева раҳбарлик қилаёт-

ҚЎШҚЎРҒОНЛИК
ЁШ ЧЕМПИОН

ган “Қўшқўрғон” умумий ўрта мактабидан тўртинчи синфда ўқиш баробарида туман, вилоят ҳамда республика мусобақаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган, медаль ва дипломлар билан тақдирланган.

Синф раҳбари Элдор Қурбонбоев ҳамда тенгдошлари Бауржаннын эришган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Чемпион спортчининг ота-онаси Ортиқбой ва

Майрашга қишлоғимиз номини Қозоғистонга танитган фарзанд тарбиялагани учун миннатдорчилик билдирамиз.

Бауржанны 6 март туғилган куни билан муборакбод этиб, юксак муваффақиятларга эришиб, Қўшқўрғондан чиққан жаҳон олимпиада чемпиони даражасига эришини тилаб қоламиз.

Почтахон БОБОЖОНОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

ХОТИРА ТАДБИРИ ЎТДИ



Собиқ Иттифоқ ҳарбий кўшинларининг Афғонистондан чиқарилган кунига бағишлаб Хўжақўрғон қишлоқ кутубхонасида “Ёшлиги ёнган ёшлар” мавзuida маърифий-бадийи кеча ўтди. Хотира табдирда Х. Ҳайтенов номидаги ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчилари, Афғон уруши фахрийлари иштирок этишди.

Табдирда даставвал Шўро ҳабий кўшинларининг Афғонистондаги хизмати тўғрисида маъруза қилиниб, мазкур урушнинг тарихи ҳақида маълумот берилди. Урушда вафот этган аскарларимиз хотираси бир дақиқали сукут билан ёдга олинди. Меҳмонларга даврий нашрларда улар ҳақида чоп этилган мақолалар тақдим этилди. Мактаб ўқувчилари синовли йилларда аскарлик бурчини ўтаган ҳамюртларимизга бағишлаб шеърлар ўқиди, саҳна асарларини ижро этишди.

Қишлоқ Маданият уйи мудираси Гавҳар Насриддинова сўзга чиқиб, йиллар ўтса ҳам ҳамюртларимизнинг жасорати унутилмаслиги ва ёшларга ибрат вазифасини ўташини таъкидлади.

Шаҳзода ОРТИҚОВА,
Хўжақўрғон қишлоқ
кутубхонасининг кутубхоначиси.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Қорамурт қишлоғидаги 1-сонли мактаб-гимназияда ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири, ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги ҳамда шох ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишлаб “Икки буюк сиймо ҳамisha барҳаёт!” мавзuida табдир ўтказилди.

Адабий кечани ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Дилафзо Турсунбоева, Жамшид Тўламетов, Маъмура Тўламетова ҳамда кутубхоначи Мархабо Ҳожиева уюштирди. Табдирда бадийи ҳаваскорлар томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар ижро этилиб, Навоий ва Бобурнинг шеър ва ғазаллари ифодали ўқилди. Навоий ва Бобур сиймолари акс эттирилган саҳна кўринишлари, мумтоз куй-қўшиқлар даврага янада файз киритди.

Дилафзо ТУРСУНБОЕВА,
Маъмура ТЎЛАМЕТОВА,
1-сонли мактаб-гимназиянинг ўзбек
тили ва адабиёти ўқитувчилари.



● Шукрона куни

ҚОЗОҒИМ – ҚОНДОШИМ,
ЎЗБЕГИМ – ЎЗ ОҒАМ

Қозоғистонда яшайдиган 130дан зиёд миллат вакиллари тинч-тотув ва бахтли ҳаёт кечиримокда. Зеро, кўп миллатли халқимизнинг ўзаро дўстлиги ва тотувлиги жуда муҳим. Айниқса, асрлар бўйи давом этиб келаётган қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, халқларимизнинг дўстлигига кўз тегмасин. Ахир қони-ю жони, бозори-ю мазори бир халқларининг мустаҳкам дўстлигига тарихнинг ўзи гувоҳ.



Буюк мутафаккир Абай Қунанбаев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, “Алаш” муқофоти совриндори Носир Фозилов ва бошқалар ўз асарларида бу дўстлиқни тараннум этганлар.

Қозоғистон Республикаси Олий Кенгаши, шунингдек, Парламент Мажлиси ва Сенатининг депутатлари этиб сайланган Абдуфаттоҳ Абдузимов, Собиржон Юсуфалиев, Рўзақул Холмуродов, Фахриддин Қоратоев, Алишер Сотволдиевлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Қозоғистон ўзбекларининг сардори, моҳир ташкилотчи Икромжон Ҳошимжоновнинг икки халқнинг дўстлигини янада мустаҳкамлаш

борасида олиб бораётган эзгу ишларидан мамнунмиз.

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги 12-сонли спорт мактабида ҳам турли миллатга мансуб мутахассислар улкан бир оиланинг фарзандидек фаолият юритмоқда. Тарбияланувчиларнинг нуфузли мусобақаларда эришаётган ютуқларида уларнинг ҳиссаси салмоқли.

Юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча миллат вакиллари Шукрона куни билан табриклайман! Қозоғистонимиз гуллаб-яшнайверсин, аҳиллигимизга кўз тегмасин, дўстлигимиз абадий ва бардавом бўлсин!

И. ТОЖИБОЕВ,
меҳнат фахрийси.

ҚУДРАТИМИЗ –
БИРЛИКДА!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сталин бошқаруви вақтида турли халқларга мансуб юз минглаб одам Қозоғистонга сургун этилган эди.

Шукрона куни – ўзини Қозоғистон фарзандиман, деб билладиган ҳар бир фуқаро учун умуммиллий байрам. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим миллат вакиллари кўнра қозоқ тупроғини азалдан макон тутганлар. Яъни, ўтган аср ўрталари – бунёдкорлик йиллари Қозоғистонга келганларни қўшасан, бу кун – она заминга, халққа, давлатга миннатдорчилик билдириладиган кун сифатида нишонланишининг моҳияти янада тушунарли бўлиб, аҳамияти ортади.

«Раҳмат» айтиш кун жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бор. Шулардан бири – АҚШда ҳар йили ноябрининг тўртинчи пайшанбаси (Канадада – октябрнинг иккинчи сешанбаси)да нишонланадиган Thanksgiving Day байрами.

Қозоғистон Улуғ Ватан урушидан аввал ҳам, уруш йилларида ҳам қатагон қурбони бўлиб, депортация қилинган, қиргин урушнинг азоб-уқубатларидан нажот излаган халқларга паноҳ бўлди. Шунинг учун, Сталин вафотидан кейин ўз юртига қайтган одамлар ўзи билан бир сиқим тупроқ олиб кетишган. Уларнинг биридан, «тупроқни нима қиласан», деб сўрашганда, «Мен бир сиқим тупроқ эмас, балки, Қозоғистоннинг ҳароратини ўзим билан олиб кетяпман. Уни қабримга сочиб юборишларини истайман, зеро, бу ҳароратни у ерда ҳам ҳис қилиб туришни хоҳлайман», деб жавоб берган экан.

Қозоғистон Миллий Бирлик Доктринасида шундай дейилган: “XXI аср бўсағасида Қозоғистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик, диний ҳамда мафкуравий бағрикенглик, маданиятларнинг уйғунлашуви, турли миллат ва элларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилайди. Инсон ҳуқуқлари ва демократия Қозоғистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади”.

Бугунги кунда кўпмиллатли мамлакат ҳисобланган Қозоғистонимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшайди.

Қозоғистон – навқирон, кўпмиллатли, келажакга ишонган, жадал ривожланаётган мамлакат.

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Халқ бирлиги – янгиланган Қозоғистоннинг асосидир” XXXI сессиясида «Биз 31 йиллик тикланиш давридан ўтдик. Келгуси чорак асрда Янги Қозоғистонни янада юксак марралар кутмоқда. Давлатчилик барпо этишда бой тажриба тўплаган ҳолда янги босқичга қадам қўйдик. Олдимизда қандай қийинчиликлар учрамасин, биз уларни енгиб ўтишимизга ишонаман. Бирлик, тотувлик ва тинчлик – бу бизнинг мустаҳкам қадриятларимиздир. Биз уларнинг аҳамиятини январь воқеалари чоғида яққол англадик.

Энди фожиали дамлар орта қолди. Вақт ўтиши билан биз қандай хавф-хатарга дуч келаётганимизни тушунамиз. Ҳатто, давлатчилигимиздан айрилиб қолишимиз мумкин эди. Халқимиз январь фожиасидан сабоқ олиши керак. Бундай ҳодисалар бошқа такрорланмаслиги учун барча имкониятларимизни ишга солишимиз даркор. Қудратимиз – бирликда. Биз Қозоғистонни авлодларимиз учун энг гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантирамиз», деди ва Ассамблея раисининг бу сўзлари этномаданият бирлашмаларига ҳам юксак масъулият юкляб, дастуриламал вазифасини ўтайди.

Давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсати юртимизда вужудга келган халқимизнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ва тотувлигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бу бебаҳо қадриятларнинг абадий бўлиши учун барчамиз бир кишидек масъулиятли эканимизни ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис қилишимиз керак.

Б. ДЎСМАТОВА.

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи –
Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлғабий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқибой — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродрлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувларда
факт ҳамда далилларни тўғрилик учун
муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар
масъулдир.
● Фобдаланган мақолаларга ёзма
жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга
олиниб, КҚ234УР00022903 гувоҳнома
берилган.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Буюрма
508.

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12500 нуска.
Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,
“Жаңа қала” кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru